

آداب المسجد

(Масжид одоблари)

Татаристоннинг Қозон шаҳридаги "Шараф" босмахонасида
1907 йили чоп этилган

Таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:

2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Биринчи боб

Масжид қуриш, тамирлаш, жамоат намозига доимий
қатнашиш ҳақидаги ҳадислар

Оламлар роббисига ҳамд ва Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, у зотнинг оилалари ва саҳобаларининг барчаларига солаво ту саломлар бўлсин!

* عَنْ عَثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ
بَنَى لِلَّهِ مَسْجِدًا بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ.

متفق عليه.

1. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳ учун масжид барпо қилса, Аллоҳ у учун жаннатда бир уй барпо қилур», дедилар.

* عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
«إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَتَعَاهَدُ الْمَسْجِدَ، فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ. فَإِنَّ اللَّهَ يَقُولُ: {إِنَّمَا يَعْمُرُ
مَسَاجِدَ اللَّهِ مِنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ} [التوبة: 18].
رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ، وَابْنُ مَاجَةَ، وَالدَّارِمِيُّ. هَذَا حَدِيثٌ غَرِيبٌ حَسَنٌ.

2. Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Масжидга боғланиб олган кишин кўрсангиз унинг унинг иймонига гувоҳлик беринг зеро Аллоҳ таоло: "Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганларгина обод қилурлар". (Тавба сураси, 18-оят) деб марҳамат қилур", дедилар.

Имом Термизий, Ибн Можа ва Доримий ривояти.

Шарҳ: Ушбу оят масжидлар ва уларни обод қилиш ўта фазилатли иш экани, бу ишни ҳақиқий мўмин-мусулмон кишигина уддасидан чиқишини ифода қилмоқда. Масжидларнинг ободлиги ҳақида сўз кетганда аввал маънавий ободлик, кейин эса, моддий ободлик кўзда тутилади. Маънавий ободлик-масжидларда намоз ўқиш, илм ўрганиш, тиловат ва зикр қилиш каби ишлардан иборатдир. Моддий ободлик эса, масжидларни қуриш, ислоҳ қилиш, керакли жиҳозлар билан жиҳозлаш ва покиза тутиш каби ишларни ўз ичига олади. Ушбу ишларнинг мажмуасини эса, Аллоҳга ва охират кунига ҳақиқий иймони бор, Аллоҳнинг амрига таслим бўлиб, намозини вақтида ўқиб, закотини жойида бериб юрган ҳамда тақводор бўлиб, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзидангина кўрқиб, бошқадан кўрқмайдиган кишиларгина бажара олади. Демак, масжидни обод қилиш иши шарафли иш, бу ишга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.

* عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ غَدَا إِلَى الْمَسْجِدِ وَرَاحَ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُ نُزُلَهُ مِنَ الْجَنَّةِ كُلَّمَا غَدَا أَوْ رَاحَ». متفق عليه

3. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким масжидга эрта бориб, кеч қайтса, ҳар бир эрта бориб, кеч қайтгани учун Аллоҳ унга жаннатда зиёфат тайёрлаб қўяди», дедилар».

* عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَعْظَمُ النَّاسِ أَجْرًا فِي الصَّلَاةِ أُنْبَعْدُهُمْ فَأَبْعَدُهُمْ مَمْشَى، وَالَّذِي يَنْتَظِرُ الصَّلَاةَ حَتَّى يُصَلِّيَهَا مَعَ الْإِمَامِ أَعْظَمُ أَجْرًا مِنَ الَّذِي يُصَلِّي ثُمَّ يَنَامُ». متفق عليه.

4. Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Одамларнинг намозда ажри улуғроғи – узокрокдан юриб келадиганидир ва намозни имом билан ўқиш учун кутган кишининг ажри намозни ўқиб, сўнг ухлаган кишидан улуғрокдир», дедилар».

* عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي الْجَمَاعَةِ تُضَعَّفُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ وَفِي سُوقِهِ خَمْسًا وَعِشْرِينَ ضِعْفًا، وَذَلِكَ أَنَّهُ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الْمَسْجِدِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ، لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رُفِعَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةٌ، وَحُطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ، فَإِذَا صَلَّى لَمْ تَزَلِ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ فِي مُصَلَاةٍ: اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيْهِ، اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ. وَلَا يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاةٍ مَا أَنْتَظِرُ الصَّلَاةَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

5. Абу Ҳурайра розияллоху анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар: «Кишининг жамоатдаги намози(нинг савоби) унинг уйидаги ва бозоридаги намозидан йигирма беш баробар кўпайтириб берилади. Бунда у таҳорат қилса, таҳоратини гўзал қилиб, сўнг фақат намоз учун масжид томон йўлга чиқса, ҳар босган қадами учун мартабаси бир даража кўтарилади ва битта хатоси ўчирилади. Намоз ўқиб бўлганида эса, у намоз ўқиган жойида турар экан, фаришталар: «Аллоҳим, уни ёрлақагин! Аллоҳим, унга раҳм қил!» деб салавот айтиб туришади. Қай бирингиз намозни кутиб турар экан, у намоздадир».

* عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - :
بَشِّرِ الْمَشَائِينَ فِي الظُّلَمِ إِلَى الْمَسَاجِدِ بِالنُّورِ التَّامِّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.
رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ، وَأَبُو دَاوُدَ. هَذَا حَدِيثٌ غَرِيبٌ.

6. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Масжидларга зулматларда юриб борувчиларга қиёмат куни тўлиқ нур бўлишининг башоратини бер», дедилар».

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.

* عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
«صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي بَيْتِهِ بِصَلَاةٍ، وَصَلَاتُهُ فِي مَسْجِدِ الْقِبَائِلِ بِخَمْسٍ وَعِشْرِينَ صَلَاةً،
وَصَلَاتُهُ فِي الْمَسْجِدِ الَّذِي يُجْمَعُ فِيهِ بِخَمْسٍ مِائَةِ صَلَاةٍ، وَصَلَاتُهُ فِي الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى
بِخَمْسِينَ أَلْفِ صَلَاةٍ، وَصَلَاتُهُ فِي مَسْجِدِي بِخَمْسِينَ أَلْفِ صَلَاةٍ، وَصَلَاةٌ فِي الْمَسْجِدِ
الْحَرَامِ بِمِائَةِ أَلْفِ صَلَاةٍ».
رواه ابن ماجه.

7. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам :

Кишининг ўз уйида ўқилган намози бир намоз баробарига ҳисоб қилинур, қабила масжидида ўқилган намоз йигирма беш намозга ҳисоб қилинур. Жамланиладиган (жомеъ) масжидда ўқилган намоз беш юз намоз баробарига ҳисоб қилинур. Масжидул ақсода ўқилган намоз эллик минг намоз баробарига ҳисоб қилинур. Менинг масжидимда ўқилган намоз эллик минг намоз баробарига ҳисоб

қилинур. Масжидул ҳаромда ўқилган намоз юз минг намоз баробарига ҳисоб қилинур», дедилар.

Ибн Можа ривояти.

Иккинчи боб

Ҳар бир мусулмонга масжидда риоя қилиши лозим бўлган одоблар ҳақидаги ҳадислар

* عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: «أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَاءِ الْمَسْجِدِ فِي الدُّورِ، وَأَنْ يُنْظَفَ وَيَطَّيَّبَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ، وَابْنُ مَاجَةَ.

8. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳовлиларда масжидлар қуришга ва уларни тозалаб, хушбўй қилишига амр қилдилар».

Абу Довуд ва Термизий ва Ибн Можа ривояти.

Шарҳ: Бу маънони маҳалла масжидлари маъносида тушуниш мумкин. Мусулмонлар намозга жамланишлари осон бўлиши учун яшаш жойларига, ҳовлиларига яқин жойларда масжид бино қилишлари матлубдир.

* عَنْ أَبِي أُسَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيُقِلِّ: اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ. وَإِذَا خَرَجَ فَلْيُقِلِّ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

9. Абу Усайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирингиз масжидга кирса, "Аллоҳумма ифтаҳ ли абваба роҳматик», яъни «Эй Аллоҳим, менга раҳмат эшикларингни очгин», десин. Агар чиқадиган бўлса: «Аллоҳумма инний ас`алука

мин фазлик», яъни «Эй Аллоҳим, сенинг фазли карамингдан сўрайман», деб айтсин, деганлар.

Имом Муслим ривояти.

* عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكَعْ رُكْعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

10. Абу Қатода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирингиз масжидга кирса, ўтиришидан олдин икки ракъат намоз ўқисин», деганлар.

Шарҳ: Бу икки ракъатли намозни, таҳийяти масжид намози дейилади.

Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳабида таҳийяти масжидни қандоқ вақтда бўлса ҳам; намоз ўқиш макруҳ ёки имом хутба ўқиётган пайтда ҳам ўқиш керак, дейилади.

Моликий ва Ҳанафий мазҳабларида эса имом хутба ўқиётган бўлса таҳийяти масжид ўқилмайди. Шунингдек, Ҳанафий мазҳабида намоз ўқиш макруҳ пайтларда ҳам таҳийяти масжид ўқилмайди.

* عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ: أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ، وَبِوَجْهِهِ الْكَرِيمِ، وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ، مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ، قَالَ فَإِذَا قَالَ ذَلِكَ، قَالَ الشَّيْطَانُ: حُفِظَ سَائِرَ الْيَوْمِ».

رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

11. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирсалар:

«Аъзу биллаҳил ʼазийм ва биважҳиҳил карийм ва султониҳил қодийм минаш шайтонир рожийм» (Улуғ Аллоҳнинг карим сифатли юзи ва азалий султонлиги билан шайтондан паноҳ тилайман), дер эдилар. Агар мана шу дуо ўқилса, шайтон: «Бошқа кунларда ҳам мендан муҳофаза қилинди», деб айтади».

Абу Довуд ривоятлари.

* عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ أَكَلَ مِنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ الْمُنْتَنَةِ فَلَا يَقْرَبَنَّ مَسْجِدَنَا فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَتَأَذَّى مِمَّا يَتَأَذَّى مِنْهُ الْإِنْسُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

12. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ушбу ноҳуш ҳидли сабзавотни, яъни пиёз ва саримсоқ еган бўлса, масжидимизга асло яқин келмасин. Чунки фаришталар, одам болалари озор топадиган нарсалардан озорланадилар», дедилар».

* وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ كَمَا فِي الْمَرْقَاةِ : مَنْ أَكَلَ الْبَصَلَ وَالثُّومَ وَالْكَرَّاثَ فَلَا يَقْرَبَنَّ مَسْجِدَنَا.

13. Мирқотул мафотихда келтирилган имом Муслимнинг бошқа бир ривоятларида:

«Ким пиёз, саримсоқ ва кўк пиёз еса масжидларимизга яқинлашмасин», шаклида келган.

* عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْبَزَاقُ فِي الْمَسْجِدِ خَطِيئَةٌ، وَكَفَّارَتُهَا دَفْنُهَا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

14. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Масжидга тупурмоқ хатодир, унинг каффорати кўмиш биландир», дедилар».

* عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ سَمِعَ رَجُلًا يَنْشُدُ ضَالَّةً فِي الْمَسْجِدِ فَلْيَقُلْ: لَا رَدَّهَا اللَّهُ عَلَيْكَ، فَإِنَّ الْمَسَاجِدَ لَمْ تُبْنَ لِهَذَا».

رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

15. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким йўқолган нарсасини масжидда эълон қилса, йўқолган нарсангни Аллоҳ қайтармасин, деб жавоб берсин, чунки масжид бундай нарсалар учун бино қилинмаган”, дедилар.

* وَعَنْ الْحَسَنِ الْبَصْرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ يَكُونُ حَدِيثُهُمْ فِي مَسَاجِدِهِمْ فِي أَمْرِ دُنْيَاهُمْ، فَلَا تُجَالِسُوهُمْ، فَلَيْسَ لِلَّهِ فِيهِمْ حَاجَةٌ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

16. Ҳасан Басрий роҳимахуллоҳдан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Инсонларга шундай бир замон келадики, масжидларидаги суҳбатлари дунё ишлари хусусида бўлади. Ундайлар билан бирга ўтирманглар. Аллоҳнинг ундайларга эҳтиёжи йўқ", дедилар".

عن ابن عباس رضي الله عنه: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:

"أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى قَوْمٍ لَا خَلَاقَ لَهُمْ، وَلَا وُضُوءَ لَهُمْ وَلَا صَلَاةَ لَهُمْ وَلَا زَكَاةَ لَهُمْ، وَلَا حَاجَ لَهُمْ وَلَا إِيمَانَ لَهُمْ وَهُمْ عَنِ اللَّهِ مُبْعَدُونَ. قِيلَ وَمَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: قَوْمٌ مِنْ أُمَّتِي إِذَا سَمِعُوا الْآذَانَ أَخَذُوا فِي جِهَارِهِمْ، أَسْبَعُوا وَضُوءَهُمْ، وَرَاحُوا إِلَى مَسَاجِدِهِمْ، وَرَكَعُوا رَكَعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ، وَلَوْ ظَهَرَهُمْ إِلَى مَحَارِبِهِمْ يَخُوضُونَ فِي أَمْرِ دُنْيَاهُمْ. فَوَاللَّهِ لَا تَزَالُ الْمَلَائِكَةُ تَقُولُ لَهُمْ اسْكُتُوا يَا بُغْضَاءَ اللَّهِ، اسْكُتُوا يَا مُقْتَنَاءَ اللَّهِ، اسْكُتُوا يَا أَعْدَاءَ اللَّهِ، اسْكُتُوا! فَعَلَيْكُمْ لَعْنَةُ اللَّهِ. فَإِذَا صَلَّوْا ضَرَبَتْ وُجُوهُهُمْ بِصَلَاتِهِمْ، وَأَنْصَرَفُوا وَقَدْ سَخَطَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ".

قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: لَا بُدَّ لِلنَّاسِ مِنْ نِ الْكَلَامِ فِي الْمَسَاجِدِ لِأَنَّ نَأْتِي مِنْ دُورِ شَتَى.

فَقَالَ: يَا ابْنَ عَبَّاسٍ أَمَا كَانَ لَكَ فِي كِتَابِ اللَّهِ وَعِظٌ حَيْثُ يَقُولُ: "فَاسْعُوا إِلَى ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ" وَلَمْ يَقُلْ إِلَى ذِكْرِ الدُّنْيَا.

يَا ابْنَ عَبَّاسٍ إِنَّ الْجَلِيسَ فِي الْمَسْجِدِ جَلِيسُ اللَّهِ، فَإِذَا وَقَّرَ اللَّهُ بِالسُّكُوتِ وَقَّرَ اللَّهُ بِجَنَاتِ النَّعِيمِ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Сизларни ҳеч бир яхшиликдан комил улуши бўлмаган, таҳоратлари, намозлари, закотлари, ҳажлари ва иймонлари бўлмаган ҳамда Аллоҳдан йироқ қилинган қавмга далолат қилайми?" деганларида, улар кимлар эй Аллоҳнинг расули дейилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Умматимдан бўлган бир қавм азонни эшитсалар таҳорат ускуналарини олиб, таҳоратларини комил қилиб, масжидга бориб, енгилгина икки ракат намоз ўқиб, меҳробларига орқа ўгириб, дунё ишларига шўнғиб кетадилар. Бас Аллоҳга қасам фаришталар уларга: "Эй Аллоҳнинг ғазабига учраган кимсалар жим бўлинглар! Эй Аллоҳнинг ўч олишига учраган кимсалар жим бўлинглар! Эй Аллоҳнинг душманлари жим бўлинглар! Аллоҳнинг лаънати бўлсин сизларга жим бўлинглар! дейишдан тўхтамайдилар. Намоз ўқиганларида намозлари ила юзларига урилулар ва Аллоҳ уларга ғазаб қилгани ҳолда қайтурлар", дедилар.

Ибн Аббос: "Одамларнинг масжидда гаплашмасликларига чора йўқ, чунки бизлар турли ҳовлилардан келамиз", деганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Эй ибн Аббос сенга Аллоҳнинг китобидаги: "Аллоҳнинг зикрига ошиқинглар ва савдосотикни қўйинглар" ояти ваъз-насихат бўлмадими? Аллоҳ дунё зикрига ошиқинглар" демади".

"Эй Ибн Аббос батаҳқиқ масжидда ўтиргувчи киши Аллоҳ билан бирга ўтирувчидир. Бас у киши сукут ила Аллоҳни улуғласа у кишини наъим жаннат ила сийлайди. Ким масжидда сўзлаш ила Аллоҳ таолонинг ҳаққини хор қилса, Аллоҳ таоло уни юз тубан жаҳаннамга туширур", дедилар.

* وَوَرَدَ فِي الْأَثَرِ: الْحَدِيثُ فِي الْمَسَاجِدِ يَأْكُلُ الْحَسَنَاتِ كَمَا تَأْكُلُ الْبَهِيمَةُ الْحَشِيشَ.

Асарларда: "Масжидларда сўзлашиш савобларни худди ҳайвон пичанни чайнагани каби еб тугатади", деб айтилган.

Фақиҳларнинг масжид одобларидан деб санаган одоблар:

Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий роҳимаҳуллоҳ ўн беш одобни масжид одобларидан деб санаганлар:

1. Киши масжидга кирган вақтида масжидда қавм ўтирган бўлса салом бериши, агар масжидда ҳеч ким бўлмаса ёки намозда бўлсалар, масжидга кирувчи: **السَّلَامُ عَلَيْنَا مِنْ رَبِّنَا وَعَلَىٰ عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ** "Роббимиздан бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин!" дейиши.

2. Масжидга кирувчи киши ўтиришидан аввал икки ракат намоз ўқиши.

3. Масжидда нарса сотиш ва сотиб олмаслик.

4. Масжидда қиличини қинидан чиқармаслик.

5. Масжидда йўқолган нарсани изламаслик.

6. Аллоҳнинг зикридан бошқада овозни кўтармаслик.

7. Масжидда беҳуда дунё гаплари гапирмаслик.

8. Одамлар устидан ҳатлаб ўтмаслик.

9. Жой талашмаслик.

10. Сафда ҳеч кимга ҳалақит бермаслик.

11. Намоз ўқувчининг олдидан ўтмаслик.

12. Масжидда тупурмаслик.

13. Масжидда бармоқларни қисирлатмаслик.

14. Масжидни нажосатдан поклаш.

15. Масжидда Аллоҳни кўп зикр қилиш ва зикрдан ғофил бўлмаслик.

Яна масжидга таалуқли ҳукмлардан:

Масжидга жунуб киши ҳамда ҳайз ва нифослик аёлнинг кириши ҳаромдир. Нажосат олиб кириш ҳаромдир. Масжидларнинг барчаси Аллоҳнинг қадрли уйлари бўлиб, ибодат учун бино қилинган. Шундай экан Аллоҳ талонинг уйи бўлгани учун масжидларни ҳурматлаш, улуғлаш ва зоҳир ва маънавий нопокликлардан тозалаб, нажосатлардан пок тутиш лозим.

Юқорида зикр қилинган одоблардан бошқа масжидда қадамларни қаттиқ босиб гурсиллаб юришдан, дераза остида ўтиришдан, улуғ кишилар олдида одобсизлик саналадиган ҳар қандай ишлардан сақланиш лозим.

Ибодат учунгина бино қилинган масжидларда дунё сўзларини сўзлашдан ва дунё ишларини қилишдан сақланиш лозим.

Фақатгина мусулмонлар жамоасига фойдали бўлган ишлар ҳақида масжидларда музокара қилиш, фақирларга ёрдам бериш учун садақа йиғиш бундан мустасно ва дуруст бўлган суннатдир. Музар қабиласининг фақирлари келганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ёрдам бериш учун асҳоби киромга ваъз қилиб жуда кўп садақа жамлаб берганлар. Хулафои рошидийнлар Абу Бакр Сиддик, Умар ал-форук, Усмон зин-нуройн ва Али ал-ҳайдар (барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин) ҳам мусулмонлар жамоасига таалуқли масаллар ҳақида музокаралар қилганлар. Бизнинг имомларимиз ҳам ушбу суннатларни жонлантириб мавъизаларида мусулмонлар жамоасига фойдалиқ бўлган ишлар ҳақида маслаҳат ва музокара қилсалар, ислоҳ қилишга муҳтож ишларни ислоҳ этилса нақадар фойдали ишлар ўртага чиққан бўлар эди.

Аллоҳ таоло одоб доирасида ҳаракат қилишга ва камчиликларимизни ислоҳ этишга муваффақ айласин!

Омийн.